

**«ТАСДИҚЛАНГАН»
“ROYTAHT AVTO PARKING”**

масъулияти чекланган жамияти ягона
иштирокчисининг 2023 йил
7 июндаги қарори билан



А.Раззоқов

(Ф.И.Ш.)

«ROYTAHT AVTO PARKING»

**МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИНИНГ
КУЗАТУВ КЕНГАШИ ТЎҒРИСИДАГИ
Н И З О М И**

Тошкент-2023

I. УМУМИЙ ҲОЛАТЛАР

1.1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг «Масъулияти чекланган жамиятлар ва қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги Қонуни (кейинги ўринларда – Қонун), жамиятнинг устави, бошқа қонун ҳужжатлари асосида ишлаб чиқилган ва “POYTAHT AVTO PARKING” масъулияти чекланган жамияти Кузатув кенгаши (кейинги ўринларда – Кузатув кенгаши)нинг мақоми, ваколат доираси ва фаолиятини ташкил этиш тартиби, унинг аъзоларини сайлаш (тайинлаш), шунингдек уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгиловчи меъёрлардан таркиб топган.

1.2. Кузатув кенгаши “POYTAHT AVTO PARKING” масъулияти чекланган жамияти (кейинги ўринларда - Жамият) фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, Қонун ва Жамият Устави билан жамият иштирокчисининг ваколат доирасига киритилган масалаларни ҳал этиш бундан мустасно.

1.3. Кузатув кенгаши Жамиятнинг бошқарув органи ҳисобланади.

1.4. Кузатув кенгаши Жамиятни бошқариш масалалари бўйича жамият иштирокчисига ҳисобдордир.

2. Кузатувчи кенгашнинг ваколатлари

2.1. Жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;

2.2. Жамият иштирокчисининг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақириш;

2.3. Иштирокчи умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш;

2.4. Иштирокчининг умумий йиғилиши ўтказиладиган санани белгилаш;

2.5. Қонунчиликда назарда тутилган масалаларни ҳал этишни Иштирокчининг умумий йиғилишига киритиш;

2.6. Мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;

2.7. Корпоратив маслаҳатчини тайинлаш, агар жамият уставида бундай лавозимни жорий этиш назарда тутилган бўлса;

2.8. Агар жамиятнинг йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш жамият уставида кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилмаган бўлса ёки Иштирокчининг умумий йиғилиши томонидан кузатув кенгашига топширилмаган бўлса, жамиятнинг йиллик бизнес-режасини маъқуллаш. Бунда жамиятнинг келгуси йилга мўлжалланган бизнес-режаси кузатув кенгаши мажлисида жорий йилнинг 1 декабридан кечиктирмай маъқулланиши лозим;

2.9. Ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш;

2.10. Жамиятнинг ижроия органи фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатдан эркин фойдаланиш ва ижроия органидан кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун уларни олиш. Олинган ҳужжатлардан кузатув кенгаши ва унинг аъзолари фақат хизмат мақсадларида фойдаланишлари мумкин;

2.11. Агар жамият уставида кузатув кенгашининг ваколоти доирасига киритилган бўлса, ижроия органига тўланадиган ҳақ ва компенсациялар миқдорини белгилаш;

2.12. Жамият тафтиш комиссияси аъзоларига (тафтишчисига) тўланадиган ҳақ ва компенсация миқдори юзасидан ҳамда аудиторлик ташкилотининг хизматларига тўланадиган ҳақ миқдори чегарасини белгилашга доир тавсиялар бериш;

2.13. Дивидендлар миқдори ва уларни тўлаш тартиби юзасидан тавсиялар бериш;

2.14. Жамиятнинг захира ва бошқа фондларидан фойдаланиш;

2.15. Жамиятнинг бошқарув органлари фаолият тартибини белгиловчи ҳужжатларни тасдиқлаш;

2.16. Жамиятнинг ваколатхоналарини очиш ҳамда филиалларини ташкил этиш;

2.17. Жамиятнинг шўъба ва тобе корхоналарини ташкил этиш;

2.18. Ўзбекистон Республикасининг «Масъулияти чекланган жамиятлар ва қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги қонунига асосан баланс қиймати ёки олиш қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада жамият соф активлари

миқдорининг ўн беш фоизидан эллик фоизигача ташкил этувчи мол-мулк хусусида йирик битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

Бунда йирик битим тузиш тўғрисидаги қарор мол-мулкнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ баҳоловчи ташкилот томонидан белгиланган бозор қиймати ҳисобга олинган, мустақил ташқи аудиторлик ташкилоти томонидан битимнинг шартлари ўрганилган ҳолда мажбурий тартибда қабул қилинади

2.19. Ўзбекистон Республикасининг «Масъулияти чекланган жамиятлар ва қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги қонунига асосан жамиятнинг афилланган шахси билан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

Бунда жамиятнинг афилланган шахси билан активларининг қиймати жамият соф активлари қийматининг ўн ёки ундан кўп фоизини ташкил этадиган битим тузиш тўғрисидаги қарор мол-мулкнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ баҳоловчи ташкилот томонидан белгиланган бозор қиймати ҳисобга олинган, мустақил ташқи аудиторлик ташкилоти томонидан битимнинг шартлари ўрганилган ҳолда мажбурий тартибда қабул қилинади

2.20. Жамиятининг бошқа хўжалик жамиятларидаги иштироки билан боғлиқ битимлар тузиш;

2.21. Ўзбекистон Республикасининг «Масъулияти чекланган жамиятлар ва қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги Қонуни ва жамият уставига мувофиқ кузатув кенгаши ваколатларига киритилган бошқа масалаларни ҳам ҳал этиш.

2.22. Жамият кузатув кенгашининг ваколатларига киритилган масалалар ҳал қилиш учун жамият ижроия органига ўтказилиши мумкин эмас.

3. Жамият кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш, тайинлаш

3.1. Жамият кузатув кенгашининг аъзолари ушбу Ўзбекистон Республикасининг «Масъулияти чекланган жамиятлар ва қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги қонуни ва жамият уставида назарда тутилган тартибда Иштирокчининг умумий йиғилиши томонидан сайланадилар.

3.2. Жамият кузатув кенгаши таркибига сайланган шахсларнинг қайта сайланишлари тайинланишлари чекланмайди.

3.3. Жамият коллегиял ва яккабошчилик асосидаги ижроия органининг аъзолари кузатув кенгашига сайланишлари мумкин эмас.

3.4. Муайян жамиятда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар мазкур жамиятнинг кузатув кенгаши аъзолари бўлиши мумкин эмас.

3.5. Жамият кузатув кенгаши таркибига сайланадиган шахсларга нисбатан қўйиладиган талаблар жамият устави билан ёки Иштирокчи умумий йиғилиши тасдиқлаган қарор билан белгилаб қўйилиши мумкин.

3.6. Жамият кузатув кенгашининг миқдор таркиби устав ёки Иштирокчи умумий йиғилишининг қарори билан белгилаб қўйилади.

4. Кузатувчи кенгаш раиси

4.1. Жамият уставида ўзгача қоида назарда тутилмаган бўлса, жамият кузатув кенгашининг раиси кузатув кенгаши аъзолари томонидан уларнинг ўзлари орасидан кузатув кенгаши аъзолари умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан сайланади.

4.2. Жамият уставида ўзгача қоида назарда тутилмаган бўлса, жамият кузатув кенгаши ўз раисини кузатув кенгаши жами аъзоларининг кўпчилик овози билан қайта сайлашга ҳақлидир.

4.3. Жамият кузатув кенгашининг раиси унинг ишини ташкил этади, кузатув кенгаши мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади, мажлисда баённома юритилишини ташкил этади, жамият уставида ўзгача қоида назарда тутилмаган бўлса, Иштирокчи умумий йиғилишида раислик қилади.

4.4. Жамият кузатув кенгашининг раиси йўқлигида унинг вазифасини кузатув кенгаши аъзоларидан бири бажариб туради.

5. Кузатувчи кенгаш мажлиси

5.1. Жамият кузатув кенгашининг мажлиси кузатув кенгашининг раиси томонидан унинг ўз ташаббуси билан, кузатув кенгашининг аъзоси, тафтиш комиссиясининг, жамият ижроия органининг, шунингдек жамият уставида белгилаб қўйилган бошқа шахсларнинг талабига биноан чақирилади. Жамият кузатув кенгашининг мажлисини чақириш ва ўтказиш тартиби уставда белгилаб қўйилади.

5.2. Кузатув кенгаши мажлисини ўтказиш учун кворум жамият уставида белгилаб қўйилади, бироқ у кузатув кенгашига сайланган аъзоларнинг етмиш беш фоизидан кам бўлмаслиги керак. Кузатув кенгаши аъзоларининг сони уставда назарда тутилган миқдорнинг етмиш беш фоизидан кам бўлиб қолса, жамият кузатув кенгашининг янги таркибини сайлаш учун Иштирокчининг фавкулдда (навбатдан ташқари) умумий йиғилишини чақириши шарт. Кузатув кенгашининг қолган аъзолари Иштирокчининг ана шундай фавкулдда (навбатдан ташқари) умумий йиғилишини чақириш тўғрисидагина қарор қабул қилишга ҳақлидир.

5.3. Жамият кузатув кенгашининг мажлисида қарорлар, агар кузатув кенгаши мажлисини чақириш ва ўтказиш тартибини белгилаб берувчи ушбу Қонунда, жамият уставида ўзгача қоидалар назарда тутилмаган бўлса, мажлисда ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Жамият кузатув кенгаши мажлисида масалалар ҳал этилаётганда кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси битта овозга эга бўлади.

5.4. Жамият кузатув кенгашининг бир аъзоси ўз овозини кузатув кенгашининг бошқа аъзосига беришига йўл қўйилмайди.

5.5. Жамият уставида кузатув кенгаши аъзоларининг овозлари тенг бўлган ҳолларда кузатув кенгашининг қарорини қабул қилишда жамият кузатув кенгаши раисининг ҳал қилувчи овоз ҳукуки назарда тutilиши мумкин.

5.6. Жамият кузатув кенгашининг мажлисида баённома юритилади. Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлис ўтказилганидан сўнг 10 кундан кечиктирмай тузилади. Мажлис баённомасида қуйдагилар кўрсатилади:

- мажлис ўтказилган жой ва вақт;
- мажлисда ҳозир бўлган шахслар;
- мажлиснинг кун тартиби;
- овоз беришга қўйилган масалалар, улар юзасидан ўтказилган овоз бериш яқунлари;
- қабул қилинган қарорлар.

5.7. Жамият кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлисда иштирок этаётган жамият кузатув кенгаши аъзолари томонидан имзоланади, улар мажлиснинг баённомаси тўғрилиги учун жавобгардир.

6. Кузатувчи кенгаш аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

6.1. Кузатувчи кенгаш мажлисида шахсан қатнашиш, йиғилишда муҳокама қилинаётган масала юзасидан регламент билан ажратилган вақт доирасида сўзга чиқиш;

6.2. Кузатувчи кенгаш қарорига кўра мўайян даврда жамиятнинг фаолияти, уни ривожлантириш режалари тўғрисида ахборот олиш;

6.3. Кузатувчи кенгаш аъзолари ўртасида вазифаларни тақсимлаш Кузатувчи кенгаш раиси томонидан Кузатувчи кенгашнинг ҳар бир аъзоси учун аниқ амалга оширилади. Кузатувчи кенгашнинг ҳар бир аъзоси учун тақдирлаш пули миқдори фаолияти самарадорлигига қараб Иштирокчи умумий йиғилиши томонидан белгиланади.

6.4. Кузатувчи кенгашнинг жамият битишув тузишидан манфаатдор бўлган аъзоси ўз манфаатдорлиги тўғрисида Кузатувчи кенгашга битишув тузилиши пайтигача маълум қилиши шарт, битишув тўғрисидаги қарор эса Кузатувчи кенгаш томонидан, қонунда назарда тутилган ҳолларда, тегишли равишда Кузатувчи кенгаш аъзолари ёки бундай манфаатдорлиги бўлмаган Иштирокчининг кўпчилик овози билан Иштирокчининг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

6.5. Кузатувчи кенгаш аъзолари, агар улар, уларнинг эр – хотинлари, ота – оналари, болалари, ака – укалари, опа – сингиллари, шунингдек уларнинг аффиляция килинган барча шахслари:

- бундай битишувнинг томонлари ҳисоблансалар ёки ундай вакил ёки воситачи сифатида қатнашсалар;

- битишувларнинг томони ҳисобланган ёки унда вакил ёки воситачи сифатида қатнашадиган юридик шахснинг йигирма ёки ундан кўп улушлари (акциялари, пайлари) фойзига эга бўлсалар;

- битишув томони ҳисобланган ёки унда вакил ёки воситачи сифатида қатнашадиган юридик шахснинг бошқарув органларида лавозимни эгаллаб турган бўлсалар, шахсий манфаатдорликка эга ҳисобланадилар;

6.6. Кузатувчи кенгаш аъзолари Кузатувчи кенгаш томонидан у ёки бу қарорларни қабул қилишга таъсир кўрсатганлик учун бевосита ёки билвосита қаж олиш ҳуқуқига эга эмас.

6.7. Кузатувчи кенгаш аъзолари жамият имкониятлари (мулкӣ ва номулкӣ ҳуқуқлар, хўжалик фаолияти соҳасидаги имкониятлар, жамиятнинг фаолияти ва режалари тўғрисидаги ахборот)дан шахсий бойлик орттириш мақсадида фойдаланиш ҳуқуқига эга эмас.

6.8. Кузатувчи кенгаш аъзолари ўзларининг лавозим мажбуриятларини ҳалол, шунингдек жамият манфаатлари йўлида улар энг яхши деб ҳисоблайдиган усул билан амалга оширишга мажбурдирлар.

7. Кузатувчи кенгаш аъзоларини рағбатлантириш:

7.1. Жамиятнинг молиявий-иктисодӣ фаолиятида самарали иштирок этиб, унинг манфаатларини ривожлантиришда ўз ҳиссаларини кўшганлиги учун кузатувчи кенгаш аъзоларини рағбатлантириш уларнинг ўз вазифаларини амалга ошириб турган вақтларида амалга оширилади.

7.2. Кузатувчи кенгаш аъзоларига мунтазам (ҳар ойда) ва бир марталик (йил якунлари бўйича) рағбатлантириш пули тўланади. Кенгаш аъзоларига тўланадиган ҳар ойлик ҳақ миқдори меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорини уч баробарини ташкил этади. Кузатувчи кенгаш аъзоларининг бир марталик (йил якуни бўйича) рағбатлантириш пулининг умумий суммаси йиллик соф фойданинг 2 (икки) фойзигача бўлган миқдоргача қилиб белгиланади ва ушбу сумма жамият иштирокчиси умумий мажлис қарори билан йил якуни бўйича жамиятнинг молиявий кўрсаткичларидан келиб чиқиб ажратилади ва тўланади.

8. Кузатувчи кенгаш аъзоларининг жавобгарлиги:

8.1. Жамият Кузатувчи кенгаши жамият олдида қонун ҳужжатларига ва жамият Уставига мувофиқ жавоб берадилар. Бунда овоз беришда қатнашмаган ёки жамиятга зарар етказувчи қарорга қарши овоз берган жамият Кузатувчи кенгаши аъзолари жавобгарликдан озод қилинади.

9. Якуний ҳулоса

9.1. Мазкур Низом Иштирокчининг умумий йиғилишида тасдиқлангандан сўнг кучга киради.

Жамият директори



Т.Ризонов